



## Фарзандларингизни етти ёшида намозга буюринг! Улар ўн ёшга етганларида намоз ўқимасалар, уринг ва ётар ўринларини ажратиб, алоҳида қилиб қўйинг», - дедилар

Амр ибн Шуъайб отасидан, отаси эса бобосидан ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фарзандларингизни етти ёшида намозга буюринг! Улар ўн ёшга етганларида намоз ўқимасалар, уринг ва ётар ўринларини ажратиб, алоҳида қилиб қўйинг», - дедилар».

[Ҳасан] [Абу Довуд ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам оталарни ўғил ёки қиз фарзандларининг ёши еттига етганда намозга буюришини ва уни қоим қилишлари учун керакли илмларни ўргатишлари керак эканини баёнламоқдалар. Ўн ёшга тўлғанларида иш янада кучаяди. Агар камчиликка йўл қўйсалар, жазоланадилар. Ётар жойларини ажратиб алоҳида қилиб қўйилади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5272>

